



ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ВА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ТАҲЛИЛИ

Отажоновна Мадина Шарипджановна

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Малака ошириш институти
тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.22304806>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 27-avgust 2026 yil
Ma'qullandi: 29-avgust 2026 yil
Nashr qilindi: 31-avgust 2026 yil

KEY WORDS

жамоат тартибини сақлаш,
жамоат хавфсизлигини
таъминлаш, миллий тажриба,
хорижий тажриба.

ABSTRACT

Мақолада жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга оид миллий ва хорижий тажриба таҳлили хусусида фикр юритилиб, жамият ижтимоий ҳаётида мазкур фаолиятни янада самарали ташкил этишга оид таклиф ҳамда тавсиялар илгари сурилган.

Жамият ижтимоий ҳаётида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш давлат органлари фаолиятининг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланиб, мазкур фаолиятни амалга оширишда мавжуд куч ва воситаларни жамоат жойларига тўғри йўналтириш, уларни тегишли тартибда бошқариш ҳамда мазкур жараёнларда кенг жамоатчилик бўлимиш фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорликни амалга ошириш ҳамда ушбу йўналишга илғор миллий ва хорижий тажрибаларни жорий этиш мазкур йўналишдаги устувор масалалардан бири ҳисобланади.

Жумладан, шу ўринда “жамоат тартибини сақлаш” ва “жамоат хавфсизлигини таъминлаш” тушунчаларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, А.А. Аманов ўз тадқиқотларида, «жамоат тартиби – жамоат жойлари дея эътироф этилган ҳудудларда юзага келадиган жамиятдаги ижтимоий муносабатлар субъектлари томонидан риоя этилиши мажбурий бўлган ҳуқуқий ва ахлоқий нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар тизими» деб, «жамоат хавфсизлиги – бу жамоат жойлари дея эътироф этилган ҳудудларда юзага келадиган жамиятдаги ижтимоий муносабатларда мазкур муносабатлар субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланганлиги ҳамда фавқулодда вазиятлар оқибатларидан ҳимояланганлик ҳолати ҳисобланади»¹ деб таъриф берган.

Ушбу мутахассис фикрларига қўшилган ҳолда айтишимиз мумкинки, жамоат тартиби сақлаш – жамият ижтимоий ҳаёти субъектлари учун муносиб ҳаёт меъёрларини таъминлаш учун яъни, уларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун шароит яратилиши ҳамда уларнинг шаъни, қадр-қиммати ва умуминсоний қадриятлари ҳурмат

¹ Eurasian Journal of Academic Research Innovative Academy Research Support Center Volume 4, Issue 11, Part 2 November 2024. ISSN 2181-2020. Page 41-47.

қилинишини таъминлаш мақсадида жамоат жойларида тегишли субъектлар томонидан амалга ошириладиган фаолиятдир.

Жамоат хавфсизлиги эса, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқбузарликлар ва фавқулудда вазиятлар (табiiй офат, эпидемия, эпизоотия, ёнғинлар ва бошқа) оқибатларидан ҳимояланганлик ҳолати ҳисобланади.

Айтиш мумкинки, бугунги кунда республикамызда ушбу вазифаларни амалга оширувчи субъектлар фаолияти илғор тажрибалар, иш усуллари ва инновацион технологияларни жорий этиш, улар фаолиятини ҳуқуқий, моддий-техник, ташкилий-методик жиҳатдан ва малакали кадрлар билан таъминлашни такомиллаштириш, жамоатчилик тузилмалари иштирокининг самарадорлигини ошириш асосида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашни тақозо этади.

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда бугунги кунда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»²ги ва «Ички ишлар органлари тўғрисида»³ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича қаракатлар стратегияси тўғрисида»⁴ги ПФ-4947-сон, «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁵ги ПФ-5005-сон Фармонлари, «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»⁶ги ПҚ-2883-сон, «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁷ги ПҚ-2940-сон, «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»⁸ги ПҚ-3528-сон, «Тошкент шаҳрида

² Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

³ Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича қаракатлар стратегияси тўғрисида»⁴ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁵ги ПФ-5005-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»⁶ги ПҚ-2883-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁷ги ПҚ-2940-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»⁸ги ПҚ-3528-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»⁹ги ПҚ-3786-сон, «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»¹⁰ги ПҚ-4075-сон Қарорлари ҳамда соҳага доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилган.

Шунингдек, сўнгги йилларда мамлакатимиз маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш яъни, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича манзилли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги «2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»¹¹ги ПҚ-1-сон Қарори қабул қилинди. Ушбу қарор ижроси натижасида маҳаллаларда жиноятчилик қарийб 1,5 бараварга камайтирилишига эришилди ҳамда мазкур ҳолатни инобатга олган ҳолда, шунингдек, мазкур йўналишда яхлит ишлаш тизимини жорий этиш ҳамда масъул раҳбарларнинг вазифаларини белгилаш мақсадида жорий йил 5-январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»¹²ги ПҚ-1-сон Қарори қабул қилинди.

Шу билан бирга, айтиш мумкинки, бугунги кунда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда мазкур фаолиятнинг ҳуқуқий ва ташкилий-институционал механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари, олий таълим муассасалари, жумладан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Халқаро криминологлар ассоциацияси, Марказий Европа Полиция академияси, Жорж С. Маршалл хавфсизлик тадқиқотлари Европа маркази, Европа Иттифоқи ҳуқуқни муҳофаза қилиш таълим агентлиги, Полиция ходимлари Миллий ўрта мактаби (Франция), Полиция фанлари миллий тадқиқот институти (Япония), Германия полиция университети (Германия), Ички ишлар вазирлиги Бошқарув академияси (Москва) ва Санкт-Петербург университетлари (Россия) ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси ва ИИБ Малака ошириш

⁹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»⁹ги ПҚ-3786-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»¹⁰ги ПҚ-4075-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025-йил 3-январдаги «2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»¹¹ги ПҚ-1-сон [Қарори](#) // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026-йил 5-январдаги «Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»¹²ги ПҚ-1-сон [Қарори](#) // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

институти ҳамда Жамоат хавфсизлиги университетларида олиб борилмоқда. Хусусан, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича бугунги кунга қадар жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги натижаларга эришилган: полициянинг куч ва воситаларини аҳолига яқинлаштириш, бевосита жамоат жойларида қуйи таркибий тузилмаларнинг фаолиятини йўлга қўйиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг самарадорлигини оширишга (George C. Marshall European center) ҳамда улар фаолиятининг ташкилий-институционал ва ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш концепциясини яратиш зарурати асослангандир (Россия Федерацияси ИИБ Бошқарув академияси). Хусусан, мамлакатимизда С.Т.Ахмедова «Оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлашни ташкил этиш масалалари» номли диссертациясида ички ишлар органлари томонидан жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга оид масалаларни тадқиқ этган¹³.

Олиб борилган ўрганишлар доирасида хорижий мамлакатларнинг хусусан, Буюк Британия, Россия Федерацияси, Германия, Франция, Канада, Америка Қўшма Штатлари, Австралия, Япония, Туркия каби давлатларнинг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланувчи давлат органларининг илғор тажрибасида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимлари, соҳада жамоатчиликнинг иштироки ҳамда мазкур фаолиятни таъминлашнинг шакл ва усуллари ўрганилиб, қиёсий таҳлил қилинди.

Айтиш мумкинки, хорижий давлатларнинг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ижобий жиҳатларни таҳлил қилиш ва уларнинг минталитетимизга тўғри келадиган самарали иш усуллари миллий тизимимизга имплементация қилиш фойдадан холи бўлмайди албатта. Масалан, Туркия давлатида Туркия полицияси республика Ички ишлар вазирлиги тизимига киради ва унинг таркибида Хавфсизлик бош директорати мавжуд бўлиб, Туркия полициясининг вазифаларига қуйидагилар киради: жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар ва уларнинг мол-мулкни хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарларни аниқлаш ва жавобгарликка тортиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш ҳамда қонун, низом ва ҳукумат норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган бошқа вазифаларни бажариш. Шу билан бирга, полиция давлат бирлигини сақлаб қолиш ва конституциявий тартиботни таъминлаш каби сиёсий вазифаларни ҳам амалга оширади. Бундан ташқари, полиция маъмурий функцияларни, яъни хавфсизлик чоралари ва бошқа органларга ёрдам беришни ҳам амалга оширади.

Шунингдек, Туркия давлатида ички хавфсизлик ва жамоат тартибини ҳимоя қилиш полициянинг уч тармоғи: шаҳар ҳудудлари учун масъул бўлган - Туркия миллий полициясининг Бош Директорати; қишлоқ жойлар учун масъул - Жандармерия бош қўмондонлиги; мамлакат қирғоқларини ҳимоя қилувчи - Соҳил хавфсизлик қўмондонлиги, томонидан амалга оширилади. Хусусан, Туркия Жандармерияси – хавфсизлик, ҳуқуқ-тартиботни сақлайдиган ҳарбийлаштирилган қуролли ташкилот ҳисобланади. У «Жандармерияни ташкил этилиши, унинг вазифалари ва ваколатлари

¹³ С.Т.Ахмедова, «Оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлашни ташкил этиш масалалари». Ю.ф.д. диссертацияси. Т.2017 й.

тўғрисида»ги қонун асосида ташкил этилган бўлиб, ушбу қонун асосида фаолият юритади ҳамда хавфсизлик ва жамоат тартибини сақлаш учун жавобгар ҳисобланади. Шу билан бирга, қонунларда белгиланган бошқа вазифаларни ҳам бажаради. Жандармерия Бош қўмондонлиги Ички ишлар вазирлигига бўйсунди. Жандармериянинг жавобгарлик ҳудуди, полиция фаолият олиб борадиган ҳудудлардан ташқари ҳисобланади. Соҳил хавфсизлиги эса, 1982 йилдаги «Соҳилни қўриқлаш ҳақида»ги қонунга асосан ташкил этилган ва улар ўз вазифаларини Туркиянинг ҳудудий ва ички сувлари, эксклюзив иқтисодий зонаси ва қитъа сувости ҳудудларида бажаради ва ҳудудий сув хавфсизлигини муҳофаза қилиш, денгизда ҳаёт ва мулк хавфсизлигини таъминлаш, контрабанда фаолиятининг олдини олиш, қидирув-қутқарув операцияларини амалга ошириш, сув ҳавзаларининг ифлосланишини олдини олиш каби вазифаларни амалга оширади.

Шунингдек Германия давлатининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш амалиёти хусусида тўхталадиган бўлсак, мазкур давлатда ушбу фаолиятни амалга оширида фуқароларнинг имкониятидан кенг фойдаланилишини алоҳида қайд этишимиз лозим. Масалан, жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига оид ноқонуний ҳатти-ҳаракатнинг гувоҳи бўлган Германия фуқаролари бу ҳақида дарҳол давлат органларига хабар беради ва ушбу хабар асосида тезкор профилактик чоралар амалга оширилиб натижаси юзасидан хабар берган фуқарога маълум қилинади. Хусусан, ушбу ҳаракатларни амалга ошириш учун «Neighborhood watch» (Қўшнингиз кузатуви), «Crimestoppers» («Жиноятни тўхтатувчилар»), «Crime prevention through environment design (broken window)» (Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташқи муҳитдан кузатув остига олиш (синиқ ойналар)), «Safety City» (Хавфсиз шаҳар) каби дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётга самарали татбиқ этиб келинмоқда¹⁴.

Таъкидлаш лозимки, юртимизда ҳам шунга ўхшаш дастурлардан масалан, «Хавфсиз шаҳар» аппарат-дастурий комплекси ишлаб чиқилган ва унинг имкониятларидан кенг фойдаланишга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, айтиш мумкинки, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад ҳам келажакда шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳамда мулкни мулкни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашдир. Бошқача айтганда, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда кенг жамоатчиликнинг узлуксиз ҳамкорлиги асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Бутун дунёда мамлакат ичида тартиб-интизом ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан армия эмас, Мудофаа вазирлиги эмас, балки алоҳида тузилмалар шуғулланади. Маълумки, бугунги кунда биз «Хавфсиз шаҳар – хавфсиз мамлакат» концепцияси асосида юртимизда жамоат тартибини таъминлашга қаратилган катта ишларни амалга оширмоқдамиз. Шу муносабат билан мана шу янги тузилма, яъни Миллий гвардия ташкил этилди. Энди

¹⁴ http://hudud24.uz/author/madhiya_avazova/17-06-2020.

бундан буён ҳар бир шаҳар ва вилоятда хавфсиз ҳудуд лойиҳасини амалга ошириш, жамоат тартибини сақлаш учун Ички ишлар вазирлиги билан бирга Миллий гвардия масъул ва жавобгар этиб белгиланади. Бу вазифаларни бажариш учун Миллий гвардия жойлардаги давлат ҳокимияти идоралари, жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб боради. Бундан буён мамлакатда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш масаласига ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия жавобгар бўлади»¹⁵ – деб таъкидлаган эди.

Шунингдек, Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Хавфсиз шаҳар», «Хавфсиз туризм», «Хавфсиз хонадон» тизимлари жорий этилгани, 24 соат патруллик хизмати йўлга қўйилгани натижасида одамларда «адолат ва қонун устуворлиги»га ишонч пайдо бўлганлигини, ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилиш органида жиноятчиликнинг жойи ва тури бўйича чуқур маълумот бўлиши, бунинг учун давлат идоралари, жамоат ташкилотлари мунтазам бирга ишлаши зарурлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, прокуратура — ҳаммаси халққа хизмат қилиши кераклигини, шу билан бирга, жамиятда жаҳолатга қарши маърифат кучли бўлиши лозимлигини, муҳит шундай бўлиши керакки, ҳеч ким жиноятга қўл ура олмасин¹⁶, – деб баён этган эди. Хусусан, «Хавфсиз шаҳар» Концепцияси доирасида Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоят марказлари, шунингдек Республиканинг йирик шаҳарларида сутка давомида узлуксиз уч сменали патруллик ташкил этилди. Ички ишлар, Миллий гвардия ва жамоатчилик вакилларида иборат бўлган патрул нарядлари жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида хизмат қилмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш нафақат мамлакатимизда, балки, бутун дунёда долзарб масалалардан биридир. Бу эса, ушбу йўналишда мунтазам фаолиятни давом эттиришни талаб этади ҳамда ўз навбатида, мазкур вазифалар замонавий ахборот коммуникация технологияларини жалб этган ҳолда, давлат органлари ва фуқаролик жамияти аъзоларининг ўзаро ҳамкорлиги асосида ушбу йўналишда доимий изланишлар олиб боришни, тизим фаолиятини мақбуллаштириш ва такомиллаштиришни ҳамда ходимлар ҳушёрлигини оширишни ва уларнинг билим савияларини мунтазам ошириб боришни, хорижий давлатларнинг ушбу йўналишдаги илғор тажрибасини ўрганиб, тизимли таҳлил қилиб, уларни миллий тизимимизга имплементация қилишни талаб этади

¹⁵ <https://xabar.uz/jamiyat>. 11.01.2018й.

¹⁶ gazeta.uz. 10.01.2019 й.